

Таъзия



12:05 / 24.04.2024 1323

Замонамизнинг забардаст уламоларидан, нақшбандия тариқатининг муршидларидан бири, етук аллома, устоз, **шайх Ҳасан Қилич афанди** ҳазратлари ҳамда Қуръони Карим ходими, устоз, **шайх Абдулмажид Зиндоний ҳазратларининг** вафотлари муносабати билан у зотларнинг барча оила аъзоларига, сафдошлари ва шогирдларига чуқур, самимий таъзия изҳор этамиз.

Аллоҳ таоло бу икки улуғ зотнинг барча солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ айлаб, қабрларини жаннат бўстонларидан қилсин, бу дунёда қилган хайрли амалларини садақаи жория ўлароқ ҳусни қабул айласин, хизматларидан ҳосил бўлган ажру савоблардан Қиёматга қадар баҳраманд қилиб, руҳларини шод қилсин, охиратларини обод қилсин, ваъдасига биноан, иззат тожини кийдирсин, ҳақларига қилинадиган барча хайрли дуоларни ижобат қилсин!

Исломий илмлар ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум устозларнинг аҳли оилалари, фарзандлари ва ёр-биродарларига барча мўмин-мусулмонлар, минглаб мухлислари номидан бу мусибат дамларида ҳамдардлик изҳор қиламиз, марҳумларнинг ҳақларига дуода бўламиз.

«Ўзларига мусибат етганда «Барчамиз Аллоҳникимиз ва барчамиз У Зотга қайтамыз», дейдиган сабрлиларга хушхабар беринг».

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

«Hilol-nashr» матбаа-нашриёти ва Islom.uz портали жамоаси